

СИТОРАИ МОҲИ ХОСА ТАРИХИГА БИР НАЗАР

Болтаев А.Х.

Бухоро давлат университети Археология ва Бухоро
тарихи кафедраси доцент, т.ф.ф.д.(PhD).

azam.boltaev.2015@mail.ru

Темирова Маржона

Тарих таълин йўналиши 4 курс талабаси.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11287864>

Аннотация. Мазкур мақолада Ситорай Моҳи Хоса саройининг қурилиши унинг музейга айлантириши тарихи ҳақидаги маълумотлар ўрин олган. Совет даврида олиб борилган сиёсат натижасида бир қатор тарихий ёдгорликларга зарар этган шулар қатори Ситорай Моҳи Хоса саройига ҳам зарар этган. Сарой мезейга айлантирилиб, ҳозирги кунга қадар сақланилган. Ситорай Моҳи Хоса саройида этнографияга оид кўргазмалар совет даврида ҳам намойишга қўйилган бўлиб, мустақиллик шарофати билан мажмуа реставрасия қилинди ва ҳозирга кунда ҳам этнографияга оид бўлимлари фаолият юритмоқда.

Калит сўзлар: Бухоро, Самарқанд, шаҳар, музей, кийимлар кўргазмаси, экспозиция, амир, мангитлар сулоласи, сарой, меъмор, санъат, ханай ҳашт, канизакхона.

A LOOK AT THE HISTORY OF THE KHOSA MOON STAR

Abstract. This article provides information about the history of the construction of the Sitorai Mohi Khosa palace and its transformation into a museum. As a result of Soviet policy, a number of historical monuments were damaged, including the Sitorai Mohi Khosa palace, which was transformed into a museum, where the complex has been preserved to this day. Ethnographic exhibitions were also exhibited in the Sitorai Mokhi Khosa palace in Soviet times, thanks to independence, the complex was restored and its ethnographic department is still functioning.

Keywords: Bukhara, Samarkand, city, museum, clothing exhibition, exposition, emir, Mangyt dynasty, palace, architect, art, Hanai hasht, concubine.

ВЗГЛЯД НА ИСТОРИЮ ЛУННОЙ ЗВЕЗДЫ ХОСА

Аннотация. В этой статье представлена информация об истории строительства Дворца Ситорай Мохи Хоса и его превращении в музей. В результате советской политики был поврежден ряд исторических памятников, в том числе дворец Ситорай Мохи Хоса, который был преобразован в музей, где комплекс сохранился до наших дней. Во дворце Ситорай Мохи Хоса этнографические выставки выставлялись и в советское время, благодаря независимости комплекс был отреставрирован и до сих пор функционирует его этнографический отдел.

Ключевые слова: Бухара, Самарканд, город, музей, выставка одежды, экспозиция, эмир, династия мангытов, дворец, архитектор, искусство, Ханай хашт, наложница.

Ситорай Моҳи Хоса саройи Бухородан 4 км шимолда, Самарқанд йўлининг ёқасида Бухоронинг сўнгги амирлари мангитлар сулоласининг шаҳар ташқарисидаги энг кўркам ёзги саройи бўлиб, бу сарой XIX аср охирларида қурилган. Бухорода мангитлар сулоласининг

хукмдорлари томонидан кўплаб тарихий иншоотлар барпо этилган бўлиб, Ситораи Моҳи Хоса меъморий мажмуаси шулар қаторидандир.

Саройнинг дастлабки иморатлари амир Насруллоҳон ҳукмронлиги даври (1826-1860 йиллар)да қурилган. XIX асрнинг иккинчи ярми амир Музаффархон ҳукмронлиги даврида (1860-1885 йиллар) машҳур сарой меъмори Остонкул Ҳафизов саройнинг янги лойиҳасини яратди ва сарой мажмуаси қурилишини давом эттирган. Бироқ бу ерда сарой ва хушманзара боғ барпо қилиш амир Абдулаҳад Баҳодирхон ҳукмронлиги даврида (1885-1910 йиллар) амалга оширилган.

Сарой қурилишига меъмор уста Ҳожи Ҳафиз раҳбарлик қилган. Амир Абдулаҳадхон сарой қурилишида уста Насруллобой ва уста Остонқуллар ҳам иштирок этишган. Ёзги саройнинг асосий бинолари сўнги Бухоро амири Амир Сайид Олимхон ҳукмронлиги даврида (1911-1920 йиллар) қурилган ва шу даврдан бошлаб сарой мажмуаси янги ва эски саройга ажратиладиган бўлди.

“Ойга ўхшаш юлдузлар” деб номланган бу сарой XIX аср охири XX аср бошларида уста Хўжа Ҳафиз, Абдулла Г‘афур, Карим (Тахта) Самадов, Қори Чўбин, Уста Ҳожи Курбон, уста Бобораҳим Ҳаётов ва уста Ширин Муродовлар томонидан қурилган. Сарой комплекси (мажмуасининг) умумий майдони 6,7 гектарликни ташкил қилиб, чорбоғ, қабулхона, ҳарам, канизакхона, кўшк, масжид ва филхоналардан ташкил топган .

Бухкомстарис амалга оширган ўлкашунослик тадқиқотлари натижасида Бухоро Регистонининг ғарбида жойлашган Болоҳовуз масжидининг қурилиш тарихи тўғрисида камёб далиллар кўлга киритилди. Чунонки, Болоҳовуз масжиди Аштархоний Абулфайзхоннинг (1711-1747) онаси “Биби подшоҳ” тахаллусини олган Ситораи Моҳи Хоса томонидан қурилган. Ситораи Моҳи Хоса номли ҳозирги амир саройи ўрнида шу аёл томонидан боғ барпо этилган. Амир Абдулаҳад (1885-1910) замонида келиб бу боғ хароба ҳолга тушиб қолган. Амир Абдулаҳад боғни обод қилиб унинг тарихий номини қайта тиклайди ва унга “Ситораи Моҳи Хоса” номини беради. Бухкомстариснинг маълумотлари Ситораи Моҳи Хоса саройи ва сарой номининг пайдо бўлиши тўғрисида ҳозирги мавжуд маълумотлар, шунингдек, халқ оғзида юрган ривоятлар мазмунини бутунлай ўзгартириб юборади.

Сарой боғининг режаси диққатга сазовордир. Саройнинг барча бинолари боғ ичида жойлашганлигига қарамай, боғнинг режаси мустақил деса бўлади. Боғ сарой бинолари қурилмасидан олдин барпо қилинган. У Темур ва темурийлар давридаги Самарқанд боғларига ўхшаш анъанавий чорбоғлар шаклида режаланган. Сарой боғининг атрофи паҳса девор билан ўралган. Ёзги сарой боғида гулзорлар, ишқомлар, мевали ва манзарали дарахтлар, кўркам хиёбонлар, ҳовузлар ва ҳайвонот боғлари барпо қилинган.

Архив маълумотларига қараганда, Ситораи Моҳи Хоса саройи 1931 йилдан бошлаб Бухоро музейи сифатида фаолият бошлади. Кейинчалик боғнинг ярмида санатория ҳам ташкил қилинган ва ҳозир ҳам бу муассалар фаолият олиб бормоқда.

Қорёғди Жумаев маълумотига кўра, XX аср 50 йилларида бебаҳо маданий меросимиз мафқуралаштирилиб, Ситораи Моҳи Хоса саройи ва унинг атрофидаги чорбоғга тиклаб бўлмас даражада шикаст етказилди, кўпгина нодир ашёлар талон-торож қилинди, боғдаги ноёб дарахтлар, ўсимликлар ва ҳайвонлар йўқ қилиб ташланди.

1968 йилда Моҳи Хосада “Халқ ижодиёти” номли экспозиция ташкил этилади. 1975 йилда эса “Бухоро халқ амалий безак санъати музейи” ташкил қилинади. Унда саккизта бўлим мавжуд бўлиб, улар кулолчилик, бадий каштачилик, заргарлик, зардўзлик, кандакорлик, читгарлик, ёғоч ўймакорлиги, Хитой ва Япония чинни буюмлари бўлимига бўлинар эди.

1987 йил Ситораи Моҳи Хосада таъмирлаш ишлари амалга оширилди ва меҳмонхона биноси “Хонаи-ҳашт”да “XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида Бухоро шаҳри аҳолисининг миллий кийимлари” деб номланган янги экспозиция ташкил этилади. Экспозицияга эркаклар, аёллар ва болаларнинг ўтган асрда тайёрланган кийимлари қўйилган бўлиб, улар маҳаллий матолардан, газламалардан тикилган. Кўрғазмада 120 дан ортиқ экспонатлар намойиш этилади.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач яъни, 1991 йил Бухоро вилояти ҳокими Дамир Ёдгоровнинг қарори билан саройнинг боғи ва санатория ихтиёрида бўлган бир қисм бинолари қайтариб берилди. Сарой боғида қурилиши бошланаётган санатория таркибидаги 180 ўринга мўлжалланган оилавий пансионат барпо этиш тўхтатилди. Шунингдек, санатория ихтиёрига берилган “Хонаи Ҳашт” ҳам музейга қайтарилди.

1992 йилда Декоратив – халқ амалий санъати, сарой павильонида “XIX – XX аср бошларида бухоролик шаҳарликлар миллий кийими”, сарой ётоқхонасининг биринчи қаватида “XIX – XX аср бошида бадий каштачилиги ва уй-ро‘зг‘ор буюмлари”, 1993 йил 6-ноябрда ётоқхона иккинчи қаватида “Сарой мебеллари” ко‘рғазмаси ташкил этилди.

Ҳозирда Ситораи Моҳи Хоса саройида учта алоҳида музей жойлашган бўлиб, улар саройнинг қабулхона қисмида “Халқ амалий санъати музейи”, саккиз хоналик кўшқда “Бухороликларнинг XIX-XX асрларга оид миллий кийимлар музейи” ва “Канизакхона” биносида эса “Ўзбекистон халқлари этнографияси ва XIX-XX асрлар Бухоро бадий каштачилиги” кўрғазмалари ташкил этилган.

Хулоса қилиб айтганда, Ситораи Моҳи Хоса саройи бу бебаҳо умумбашарият мероси, унда ташкил этилган кўрғазмалар бу маҳаллий халқнинг асрий кадриятлари намойиш этишдан иборат. Совет даврида топталган тарихимиз мустақиллик туфайли қайта тикланди ва бу саройда намойишга қўйилган этнографик ашёлар кўрғазмаси халқимизнинг моддий маданияти намунасидир. Бу ҳар бир ўлкамиз фарзанди қалбида миллий ғурурни шакллантиришга хизмат қилади.

REFERENCES

1. Болтаев А.Ҳ. Бухоро регистонидаги тарихий иморатлар. //Мозийдан садо. №1. – Тошкент: 2022. – Б. 24-25.
2. Болтаев А.Ҳ. XX аср 40-йиллари Бухорода ташкил қилинган илмий экспедиция // Ўтмишга назар | Взгляд в прошлое | Look to the past №6 (2021) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2021-6>. – Б. 30-36.
3. Болтаев А.Ҳ. Бухоро ўлкашунослик музейи 100 ёшда (тарих ва таҳлил). // Музейшунослик XXI асрда: тадқиқотлар, анъаналар ва инновациялар халқаро илмий-амалий анжуман материаллари тўплами 2-китоб. – Тошкент, 2022 йил 28 февраль. –Б .207-214.

4. A'ZAM B. ABOUT THE TOPONYM "BUKHARA". *International Journal of Philosophical Studies and Social Sciences*, 1(4), (2021). 36-41.
5. Болтаев А.Х. Бухоро шаҳри 11 дарвозасининг тарихи ва тақдири (ўлкашунос ТФ Гелах тадқиқотларида). Тюркоязычные страны. Республиканский научно-методический и познавательный журнал. Алматы, 2, (2018). 6-8.
6. Болтаев А. СН Юренев илмий меросида ўлкамиз тарихи масалалари. центр научных публикаций (buxdu. uz), (2023). 28(28).
7. Болтаев А. Х. (2019). Бухоро музейи-тарихий ўлкашунослик маркази сифатида. Тошкент: Наврўз, 70.
8. Болтаев А. (2020). БУХОРО ЎЛКАШУНОСЛИК МУЗЕЙИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА ДАСТЛАБКИ ФАОЛИЯТИ. *ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz)*,1(1).
9. Болтаев А. (2021). Бухоро ўлкашунослик музейининг ташкил топиш тарихидан. *ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz)*,6(6).
10. Болтаев А. (2021). Бухоро ўлкашунослик музейи 100 ёшда (тарих ва таҳлил). *ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz)*, 8(8).
11. Umarov, B. B. (2022). Science, education and culture during the rule of the Somanians. *International Journal of Intellectual Cultural Heritage*, 2(6), 46-49.
12. Umarov, B. (2023). АРАБ МАНБАЛАРИДА БУХОРО ШАҲРИ ТАВСИФИ ("КИТОВ АЛ-МАСОЛИК ВАЛ МАМАЛИК" МИСОЛИДА). *ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz)*, 38(38).
13. Umarov, B. (2023). АБУ БАКР НАРШАХИЙ АСАРИДА БУХОРО ШАҲРИ ТАВСИФИ. *Farg'ona davlat universiteti*, (2), 166-166.
14. Umarov B. NA KISLYAKOV TADQIQOTLARIDA БУХОРО АМИРЛИГИДАГИ ФЕОДАЛ ВА QISHLOQ XO'JALIGI MUNOSABATLARINING YORITILISHI //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2021. – Т. 6. – №. 6.
15. Umarov, B. B. (2021). FAMILY AND MARRIAGE RELATIONS IN NA KISLYAKOV'S RESEARCH. *Journal of Central Asian Social Studies*, 2(02), 127-135.
16. Umarov, B. (2020). БУЮК ОЛИМ НА КИСЛЯКОВНИНГ ПЕДАГОГЛИК ФАОЛИЯТИГА НАЗАР. *ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz)*, 1(1).
17. Жумаев Қ. Ситораи Моҳи Хоса. –Тошкент: Фан, 2005. – Б.24.
18. Жумаев Қ. Ситораи Моҳи Хоса халқ амалий санъати музейи //Мозийдан садо. – Тошкент: 2003.- №1. –Б.26.
19. Жумаев Қ. Музейнинг янги кўргазмаси //Бухоро ҳақиқати. 1987, 17 ноябр;
20. Жумаев Қ. Дурдоналар хазинаси// Бухоро ҳақиқати. 1986, 17 май.
21. Жумаев Қ. Ситораи Моҳи Хосса. –Бухоро: Бухоро, 2010. –Б.48.
22. Джураев Ш.Г. Сбор ювелирных изделий и создании выставки в бухарском музее. //Бухоро тарихи масалалари (энг қадимги замонлардан ҳозиргача) мавзусидаги Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Бухоро: Бухоро, 2020. – С.39-42,
23. Жумаева Н. Ситораи Моҳи Хосса бўйлаб. – Бухоро: 2018. – 88 б.